

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 5 декабрь • № 50 (1019)

БОШ ҚОМУСИМИЗ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Хуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Жамиятнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий тизимида ҳам тубдан ўзгаришлар юз бераётган ислохотлар даврида Конституциянинг аҳамияти янада ошади. Фақат давр талабларига жавоб берадиган Асосий Қонунгина йирик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий ислохотларнинг самарадорлиги учун зарур бўлган ривожланиш ва барқарорлик уйғунлигини таъминлаб бера олади.

Конституция давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини, эзгу мақсадларимизнинг хуқуқий замин ва пойдеворини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Унда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил иш олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, жамиятда, ҳар қайси оила ва фуқаро ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, десак янгилишмаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустақамлаб қўйиш, ўзининг сиёсий ва хуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб олиш, янги жамият қуриш, янгилашни ва тараққиётнинг ўз конституциявий моделини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаб, «Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ» деган эди.

(Давоми 2-бетда).



Конференция

ТАҲЛИЛИЙ НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

2014 йилнинг 29 ноябрь кuni Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Республика Колопроктология илмий маркази томонидан “Йўғон ичакнинг яллиғланиш-яралли касалликлари: таъхислаш ва даволашда замонавий ёндашув” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Россия Федерацияси, Қозғоғистон Республикаси ва юртимизнинг етакчи мутахассислари иштирок этдилар.

Тадбирни Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Хусниддин Ғойиров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган самарали фаолиятлар хусусида тўхтади. Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов сўнги йилларда Ўзбекистонда замонавий колопроктология соҳасида

эришилаётган ютуқларни алоҳида таъкидлаб, бу каби тадбирлар мутахассислар билим ва тажрибасини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигига урғу қаратди. Шунингдек, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Икром Омонов вилоят тиббиёт тизимидаги фаолиятларга эътибор қаратиш билан бир қаторда колопроктология йўналишида ҳам самарали ишлар йўлга қўйилганлигини гапириб ўтди. Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Хусниддин Ғойиров вилоят ҳокимлиги номидан Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзовни Бухоро вилоятида онкология ва колопроктология йўналишида мутахассисларга кўрсатаётган услубий ва амалий ёрдамлари учун фахрий ёрлик билан тақдирлаб, уларга ўз миннатдорлигини билдирди.

– Республика проктология Маркази маълумотларига қараганда, юртимиз аҳолисининг 42,8 фоизи клиник жиҳатдан турли оғирликда кечувчи даражалардаги йўғон ичак яллиғланиш-яралли касалликлари билан оғрийди.

Дунёнинг кўпчилик ҳудудларида яралли колит, йўғон ичак диффуз полипоз, дивертикулёзи ва ўсма каби йўғон ичак касалликлари билан оғриш сабабли ўлим дара-

лекуляр механизмлари, эрта таъхислаш ва даволашнинг самарали усуллари тўғрисида замонавий тиббиётда жуда кўп маълумотлар мавжуд. Лекин,



жаси ўсиб бораётганлиги долзарб муаммога айланмоқда. Мамлакатимизда йилига ўртача 175 нафардан 200 нафаргача йўғон ичак яралли касалликлари билан оғриган беморлар аниқланади. Йўғон ичак касалликларининг келиб чиқиши, ушбу жараёнларнинг мо-

шунга қарамай, айрим тиббиёт ходимлари бу борада етарли даражада маълумотга эга эмаслар. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, колопроктология тиббиётнинг алоҳида бўлими бўлишига қарамадан,

(Давоми 4-бетда).

БОШ ҚОМУСИМИЗ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Конституциямизнинг асоси-ни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг беш тамойили ташкил этди:

биринчидан: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги;

иккинчидан: давлатнинг бош ислохотчилик роли;

учинчидан: қонун устуворлиги;

тўртинчидан: кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш;

бешинчидан: ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Ўзбекистоннинг конституциявий ҳуқуқи — бу Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топган конституциявий ғоялар ва концепциялар, конституциявий принциплар, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи соҳада амал қиладиган декларациялар, шартномалар, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг ҳужжатларидир. Конституциявий ҳуқуқнинг мазмуни ва манбаларига бундай ёндоқиш ҳуқуқ ва қонунни аниқроқ фарқлаш, шунингдек, ҳуқуқнинг етакчи тармоғини таркиблаштириш имконини беради.

Таъкидлаш жоиз, жамиятимиз ҳаётида сиёсий, ҳуқуқий маданият тушунчасининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги шаклланиб, янги сиёсий меъёрлар ҳамда қонунларнинг қабул қилиниши учун қулай имкон яратилмоқда. Зеро, жамият сиёсий маданиятининг юксак кўрсаткичи — кишиларнинг давлат олиб бораётган ички ҳамда ташқи сиёсатни, унинг асосий йўналишлари, мазму-

ни ва амалга ошириш усул ҳамда услубларини тўлиқ тушуниши ва тушунтира билишидир. Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқаролар сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқлиги ўз исботини топмоқда.

Умумий қоидага кўра, мамлакатимиз фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Айниқса, ёшларга яратилган

малари асосида бўлади. Зеро, Конституция устунлиги қонун устуворлиги билан ўзаро боғлиқ. Жумладан, ҳар қандай давлат қонунчилик тизимида Асосий Қонун — Конституция устуворлиги яққол кўзга ташланиб туради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мазкур тамойил: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади».

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш



кўплаб имкониятлар қатори нафақат юртимизда, балки чет мамлакатларда ҳам ўқиш ва ишлаш имкони берилган. Масалан, Конституциянинг 22-моддасига кўра, Ўзбекистон фуқаролари республикамиз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисиди ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ҳамда уларга ҳомийлик кўрсатилиши тўла кафолатлаб қўйилган.

Конституция устуворлиги шундаки, қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий актлар, жумладан, қонунлар унинг нор-

кўрадилар», деб мустақамлаб қўйилган. 16-моддасида эса «Мазкур Конституциянинг бирорта қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас»лиги қайд этилади. Яъни бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ҳамда қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги қатъий мустақамланган. Яна бир жиҳат: ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жа-

мияти барпо этиш йўлидаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқишида дастуриламал бўлаётган Конституциямизда бой миллий ҳуқуқий меросимиз ва илғор хорижий Конституциявий тажриба ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари, нормалари тўла акс этган. Биргина мисол, унда маҳалла институтига Конституциявий мақом берилишининг ўзиёқ миллий ҳуқуқий меросимиз тўла акс этганидан далолат.

Бош Қомусимизнинг 40-моддасида: ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ёки 41-моддасида: ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Бу каби мустақам ҳуқуқий пойдевор мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам, халқ таълими тизимида ҳам олиб борилаётган ислохотлар самарадорлиги даражасини оширишга олиб келди, бунинг

учун пухта замин яратди. Бу масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб, мунтазам равишда ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Тиббиёт тизими қисқа фурсат ичида миллий моделнинг умумэтироф этилган халқаро андозаларига мос ҳолда шаклланди. Янгидан-янги замонавий шифо масканлари ва уларнинг бугунги кун талабига монанд ҳолда жиҳозланиши, инсонлар саломатлигини яхшилаш ва касалликларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, даволаш билан боғлиқ жараёнларга илм-фан ютуқларини кенг жалб этиш каби масалалар биргина Қомусимизнинг олтин қоидаларида ўз ифодасини топди. Шубҳасизки, миллий ўзликини англаш, миллат генофондини асраб-авайлаш, сифатли ва кафолатли тиббий хизмат турларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи халқимизнинг эзгу мақсадлари йўлида хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — миллий истиқлол мафқураси ғоялари сингдирилган миллий манфаатларимиз, истиқлолимиз ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Намоз ТОЛИПОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гамкорлик муносабатлари

ЛОЙИҲА НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

USAIDнинг молиявий кўмаги билан Жарон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган **ТВ CARE I** лойиҳаси гў фаолиятини муваффақиятли якунлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, халқаро ташкилотлар ваколатхонаси раҳбарлари, лойиҳани татбиқ этишда бевосита иштирок этган мутахассислар иштирокида якуний натижаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

USAID ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан рамкорликда яна бир инновацион «Силга» иарши курашиш учун рамкорлик» лойиҳаси амалга оширилгани айд этилди. Бундан кўзланган маисад — халқаро стандартларга мос силни назорат иилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда техник ёрдам кўрсатишидир. Мазкур лойиҳани амалга ошириш чоғида бир иатор мумим стратегик ва методологик ружжатлар ишлаб чиқилди. Дори воситаларига чидамли силни ташхис иилиш ва иарши курашиш бғйича миллий стратегия, беморларни руий-ижтимоий иғллаб-йувватлашга иаратилган гргратувчи модуль амалиётда иғлланилди.

Ўзбекистоннинг еттита рудудиди 20 дан ортии силга иарши кураш муассасаларида инфекция назорат (СИН)ни яхшилаш бғйича техник ёрдам кўрсатилди. Республикаимизнинг 10 та муассасаси учун палаталарда ва муолажа хоналарида равони самарали стериллайдиган, сил ва бошиа ююмли касалликлар тарғалишининг олдини олувчи 290 та замонавий ультрабинафа нурлатувчи воситаларни етказиб бериш ва грнатиш амалга оширилди. Ушбу чоралар беморлар ва ши-

фокорларнинг тиббиёт муассасаларидаги хавфсизлигини тағминлайди.

Йиғилишда сгўга чиқан халқаро ташкилот вакиллари Ўзбекистон ружумати билан амалга оширилган рамкорлик сгнги йилларда сил билан касаллиниш ва глим ролларининг камайиши-

ниш маисадларининг самарали бажарилишига имконият яратганини алоғида эътироф этдилар. Бу борада юртимиз тиббиётининг салоғияти, амалдаги ионунчилигимиз, миллий моделнинг халқаро даражада бағоланаётганлиги рамкорлик муносабатлари янада кенгайи-



Тадбирни кириш сгзи билан очган Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи гринбосари А. Худаяров ушбу лойиҳанинг амалда татбиқ этилиши силга иарши хизматнинг сифат жиҳатдан яхшиланишига, касалликни ташхислаш ва даволаш

амалиётда халқаро стандартлар кенг жорий этилишига, айниқса, бирламчи тиббиёт муассасаларида хасталик гў вағида тезкор аниланишига хизмат иилганини алоғида тағкидлади.

Лойиҳанинг амалий натижалари тарғили иилинар экан, ЖССТ,



га рамда Мингйиллик ривожла-

шига замин яратмоида.

Йиғилиш сгнгида лойиҳа доирасида бажарилган бир ианча тадбирлар, фаолиятлар тарғили иилинди. Мониторинг хулосалари мувоқама иилиниб, келгуси йиллардаги фаолият дастури учун тақлифлар олинди.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

бу жараёнда тиббиёт ходимларининг фаоллиги

2014 йил 21 декабрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шу муносабат билан аҳолининг сайлов қонунчилиги борасидаги ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида жойларда, сайлов округларида, маҳалла ва жамоат ташкилотларида, фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Бу жараёнда тиббиёт ходимларининг фаоллиги, ташаббускорлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, сайлов ҳуқуқи бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга давлат ҳокимияти органларига ўз вакиллари ни сайлаш имкониятини яратиб беради. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини тўқтинликсиз амалга оширишлари уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим кафолатларидан биридир. Асосий Қонунимизнинг муқаддима қисмида баён этилган олий мақсадларга эришиш, конституциявий тузумни янада мустаҳкамлаш борасида ўтказилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш демократик талаблар ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизимининг амалда бўлишини талаб этади.

Сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни, давлат ва жамият фаолиятининг сиёсий соҳаси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Агар сайлов ҳуқуқи сайланган вакилларга ҳокимият ваколатларини қўлга кириштириш ҳамда уни навбатдаги сайловларда янгитдан сайланган вакилларга ўтказиш билан боғлиқ давлат-ижтимоий фаолиятининг муайян жиҳатларини тартибга солишни англатса, сайлов жараёни эса, сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишда сайловчиларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни амалга оширишда иштирок этишлари учун имконият яратади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади" деган қоида белгилаб

қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизими принципларига бағишланган махсус бобнинг мавжудлиги мамлакатимиз сайлов қонунчилигини шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Асосий Қонунимизнинг XXIII боби "Сайлов тизими" деб номланиб, 117-моддада – "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хохиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади" дейилган муҳим конституциявий принципларда ўз аксини топган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига, илғор чет эл юридик тажрибасига ва миллий-тарихий анъаналаримизга ҳамда Конституциямизга мос сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Ўзбекистонда сайлов жараёни мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу жараён мустақиллик даврида конституциявий принциплар асосида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунларда ўз аксини топган. Ушбу қонунлар ўтказилган сайловларда тўпланган тажрибалар, кўппартиявийликнинг ривожланиши ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалиб бориши натижасида такомиллашиб борди. Миллий сайлов қонунчилиги тизимининг янада такомиллашуви натижасида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сай-



ловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Бу борада қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимиятини демократик сайловлар орқали шакллантириш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келади.

Президентимиз Ислон Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳаётимизнинг барча соҳаларини жадал суръатда модернизация қилиш ва янгилаш жараёни билан боғлиқ янги талабларга мувофиқ келгуси давр учун, шу жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш соҳасида янги вазифаларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш чоғида Асосий Қонунимизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди. Бундан ташқари, қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар бирлашмалари ҳамда сиёсий парти-

ялар фракцияларининг роли кучайди. Жойларда ислохотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳам сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз қонунчилигига киритилган барча ўзгаришлар қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаолигини ошириш, партиялараро рақобатни кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишлар сайлов қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг мантикий давоми бўлди. Жаҳон амалиётида илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашуви-сиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Бу сайловларнинг демократлиги, очиқлиги ва ош-

коралигини ҳар томонлама таъминлаш кафолатига айлан-ди.

Бугунги кунда ташкил этилган барча сайлов округларида аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан тиббиёт ходимлари ҳам фаоллик билан қатнашмоқдалар. Депутатликка номзодларнинг аксарият қисми тиббиёт ходимлари экани қувонарли, албатта. Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳоли орасида тиббий маданиятни шакллантириш, тизимнинг янги истиқболдаги қонунчилик базасини такомиллаштиришда кўрсатилаётган номзодлар орасидан муносиб депутатларни танлаб олиш, халқимиз эътибори ва ишончи қанчалик юксак эканлигини англатади. Замонамиз тезкор, ҳар куни бирор янгиликнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Демак, инсон омили ва унинг фаровонлиги учун кураш кетаётган бир пайтда ҳар бир фуқаро муносиб номзодга овоз бериши ва унинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, масалага жиддийроқ ёндашишни давр талаб этмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнида иштирок этар эканмиз, халқимиз, фарзандларимиз келажаги, эртанги тақдиримиз учун ҳал қилувчи кучга эга сайловларда уюшқоқлик билан муносиб номзодларга овоз берайлик!

Намоз ТОЛИПОВ.

2014 йил – Соғлом бола йили

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга оид қарор ва дастурлар ижросини таъминлаш бугуннинг энг устувор вазифаларидан биридир.

Давлатимизнинг инсон саломатлиги борасидаги эътибор ва ғамхўрликларни тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, пойтахтимиздаги 1-сон болалар клиник шифохонаси чақалоқлар бўлимида кейинги йилларда соҳада эришилган янгилик ва ўзгаришлар амалиётга татбиқ этилди. Бугунги кунда гўдак ёшдаги болалар асаб касалликлари бўлими 40 ўринга эга бўлиб, болаларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрса-

тилаяпти. 2 та соматика, аллергология, офтальмология, 2 та неврология, жарроҳлик, физиотерапия, 2 та чақалоқлар патологияси, диагностика бўлимлари ҳамда 3 нафар олий тоифали врач, 30 нафарга яқин ҳамшира 2 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларга стационар шароитида хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, марказ капитал реконструкция қилиниб, ҳамма хоналар замонавий жиҳозланди. Бўлимдаги барча хизматлар бепул бўлиб, қунига уч маҳал иссиқ овқат ҳам муҳайё. Бу тиббий муассаса мисолида юртимизда оналар ва болалар

соғлиғига катта эътибор қаратилаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Катта тажрибага эга гўдак ёшдаги болалар асаб касалликлари бўлими муdiri Машхура Исроилова раҳбарлигидаги жамоа ходимлари меҳнатидан ота-оналар мамнун. Шифокор ва ҳамширалар тез-тез малака ошириб туришади.

– Бу узлуксиз тизим соҳамиздаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишимизга имкон берапти, – дейди шифокор Умида Шайхова.

Бўлим мустаҳкам моддий-техник базага эга бўлиб, ҳар бир хона замонавий ускуналар билан таъминланган сунъий нафас олдириш аппарати, кардиомонитор оғир аҳволдаги болаларга аниқ ташхис қўйиш имконини беради.



СУРАТДА: шифокор Умида Шайхова иш жараёнида. Даврон АҲМЕДОВ. Муаллиф олган сурат.

Конференция

ТАҲЛИЛИЙ НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

муаммоларнинг мураккаблиги боис ушбу касалликлар билан гастроэнтеролог, инфекционист, иммунолог ва онкологлар шуғулланишади. Шунингдек, хужайра ва молекуляр биология, иммунология, ген инженерияси, эмбриология ва биотехнология усуллари ёрдамида ўрганилган йўғон ичак патологиялари тўғрисидаги охириги илмий маълумотлар кенгроқ ёритиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Охириги ўн йилликда колопроктология соҳасининг илдам ривожланиб бориши, бевосита беморлар ҳаёт давомийлигини ва яшаш сифатини яхшиловчи дори воситаларининг ишлаб чиқарилиши ва колопроктолог-шифокорлар амалиётида қўлланилиши билан бевосита боғлиқдир. Бунинг баробарида янги жарроҳлик усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бу билан нафақат ўсманни радикал олиб ташлаш, балки пастки ва ультра пастки анстомозлар қўйиш йўли билан бажарилувчи аъзо сақловчи ва реконструктив-тиклаш амалиётларини бажариш йўли билан беморларнинг функционал ҳолатини сақлаб қолишга эришилмоқда, – дейди Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов.

Профессор С. Наврўзов “Ярали колит. Этиопатогенези,

(Давоми. Боши 1-бетда).

клиникаси, диагностикаси ва даволаш” деб номланган маъруза-сида ярали колит, унинг этиология ва патогенези борасидаги замонавий тушунчаларни умумлаштирган ҳолда ўз фикрларини билдирди. Шу ўринда, алоҳида таъкидламоқчимизки, профессор Саримбек Наврўзовнинг “Крон касаллиги”, “Йўғон ичак саратони”, “Сурункали ярали колит”, “Гиршпрунг касаллиги”, “Йўғон ичак амебиази” каби монографияларида ушбу касалликларни замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари кенг ёритиб берилган. Москвалик профессор И. Ха-

маърузасида ичакларнинг яллиғланиш касалликларини даволашдаги замонавий ёндашув, муаммолар ҳамда истиқболли йўналишлар тўғрисида атрофлича тўхталди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги колопроктология илмий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Б. Наврўзов ва профессор М. Аҳмедовлар “Ярали колит ва Крон касаллигини жарроҳлик йўли билан даволашда замонавий қарашлар” номли маърузаларида касалликларни замонавий диагностика ва даволаш усулларини ёрдамида жарроҳлик йўли билан да-



лиф “Ичак яллиғланиш касалликларини даволаш борасида замонавий қарашлар” деб номланган

волашнинг имкониятларини кенгроқ ёритиб берилди. Кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзу-



лар бўйича соҳа мутахассислари чиқиш қилдилар.

Колопроктология йўналишида республикаимиз ҳудудларидаги мутахассислар томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Колопроктология илмий маркази ходимлари вилоят, туман ва қишлоқ врачлик пунктлари умумий амалиёт шифокорлари ҳамда жарроҳларга услубий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Анжуман давомида ҳудудларда фаолият олиб бораётган колопроктологлар ушбу хизмат доирасида эришилаётган ютуқлар ва юзага келаётган муаммолар тўғрисида маълумот бериб ўтдилар.

Конференция сўнгида иштирокчилар йўғон ичак яллиғланиш-ярали касалликларни диагностикаси ва даволашдаги муаммоларнинг замонавий ҳолати ҳамда уларни бартараф қилиш йўллари тўғрисида резолюция қабул қилдилар.

Шу ўринда Республика онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов айрим вилоятларда колопроктология йўналишида амалга оширилётган самарали фаолиятлар билан бирга, хато ва камчиликлар ҳам учраётганлигини танқидий баҳолаб ўтди. Бундай масалалар ечимини ҳал қилиш бугуннинг муҳим мавзусига айланаётганлигини алоҳида таъкидлаб, пойтахтимизнинг малакали ва етук мутахассислари томонидан қандай ёрдам керак бўлса ҳамкорликда иш юритиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Анжуман

ОНКОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мутахассислар эътиборида бўлди

Давлатимиз томонидан тиббиёт тизимига қаратилаётган эътибор туфайли касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш борасида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу жумладан, онкология соҳасида ҳам ижобий натижалар қўлга киритилиб, жаҳон тиббиёти билан ҳамнафас ривожланиб бораётганлиги ва ушбу касалликларни эрта аниқлаш ҳамда даволашда яхши натижаларга эришилаётганлиги эътиборга молик.

Мазкур соҳани янада такомиллаштириш мақсадида республикаимиз онкологларининг илмий-амалий конференцияларининг тез-тез ўтказиб турилиши, бу албатта, эришилган ютуқлар ҳамда келгусидаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундай экан, **жорий йилнинг 21-22 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида “Таянч-ҳаракат тизими ва бош-бўйин соҳаси ўсмалари долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.** Ушбу тадбирда мамлакатимизнинг 230 нафардан ортиқ онколог-шифокорлари, Ҳиндистон, Россия каби бир қанча давлатлардан соҳанинг етук мутахассислари иштирок этишди.

Конференцияни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Д. Ходжиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишларга алоҳида урғу қаратди. Шу билан бирга, онкология йўналишидаги фаолиятларга эътибор қаратиб, бу ўринда Республика онкология илмий маркази

томонидан ҳам кенг кўламли амалий ёрдамлар кўрсатиб келинаётганлигини эътироф этди. Сўнгра, Республика онкология илмий маркази директори, профессор С. Наврўзов Ўзбекистон тиббиёти ва онкология соҳасида эришилаётган ютуқлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида гапирар экан, асосий эътиборни инсонлар саломатлиги ва уларнинг турмуш фаровонлигига қаратиш муҳимлигини, шу билан бирга ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволашдек масъулиятли ишларга соҳа мутахассислари жиддий ёндашишларини таъкидлаб ўтди. Кун тартибидан ўрин олган муҳим мавзулар бўйича соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан маърузалар қилинди. Тошкент шаҳар онкологик диспансери бош шифокори, профессор М. Фафур-Охунов “Таянч-ҳаракат аъзолари ўсмалари. Ўзбекистонда ушбу муаммоларнинг кўламини маърузада ўз фикрларини билдириб ўтди. Шунингдек, Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш илмий-амалий маркази профессори В. Тепляков “Онкологик ортопедияда реконструктив ва

реконструктив-пластик амалиётлар” ҳамда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридаги BLK госпитали гематоонкология бўлими директори Дхарма Чадхари қон касалликларида суяк кўмиги трансплантацияси бўйича долзарб мавзуларда маърузалар қилдилар.

Конференция доирасида **Қорақалпоғистон Республикаси онкология диспансирининг очилиш маросими бўлиб ўтди.** Иштирокчилар замонавий диагностик ва даволаш усулларига эга бўлган онкологик диспансирининг янги биноси билан танишар эканлар, ушбу шифо масканида касалликка чалинган беморларни даволаш борабарида илмий изланишлар олиб бориш, аҳолига консултатив ёрдам кўрсатиш каби кенг кўламли ишлар олиб борилишига гувоҳ бўлдилар.

Анжуманнинг иккинчи кунинда ёш олимлар конференцияси ўтказилди. Ушбу конференцияда мамлакатимизда онкологик касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва самарали даволаш бўйича илмий изланиш олиб бораётган истиқболли ёш олим-онкологлар ўзларининг маърузалари билан қатнашдилар. Долзарб мавзуларда чиқиш қилган ёш, иқтидорли олимлардан Республика онкология илмий маркази онкотеракал бўлими шифокори Б. Мадиев “Кўкс оралиги ўсмалари диагностикаси ва даволаш” мавзусидаги маърузаси билан қатнашиб, биринчи ўринга муносиб деб топилган бўлса, иккинчи ўрин “Онкомаммологияда бир вақтли реконст-



руктив амалиётлар” мавзусида маъруза қилган Андижон Давлат тиббиёт институти онкология кафедраси магистранти Ф. Зияевга насиб қилди. Учинчи ўрин эса Тошкент тиббиёт академияси нур диагностика кафедраси ассистенти Г. Раҳмоновага берилди. Маърузачи “Панкреатодуоденал соҳа касалликларини ташхислашда радиологик усулларнинг ўрни” мавзусидаги маърузасини инглиз тилида олиб борди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ёш олимлар конференциясида деярли 40 фоиз маърузалар инглиз тилида иштирокчиларга тақдим этилди. Совриндорлар ташкилий кўмита томонидан рағбатлантирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси онкологлари ҳамда умумий

амалиёт шифокорларига Республика онкология илмий марказининг онкогинекология бўлими раҳбари, профессор Н. Юлдашева ҳамда онкомаммология бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Л. Алимходжаева аёллар репродуктив касалликларини аниқлаш, тўғри ташхислаш ҳамда чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтиш каби масалаларга қаратилган маҳорат мактабларини олиб бордилар. Бунинг баробарида марказнинг онкооптальмология бўлими раҳбари З. Исломов республика офтальмологларига долзарб мавзулар бўйича маҳорат мактабини ўтказиш билан бирга, намунавий жарроҳлик амалиётларини бажарди.

Албатта, бундай кенг аудиторияда ўтказилган ҳамкорликдаги нуфузли анжуман соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашуви ҳамда соҳадаги долзарб масалаларни ҳал этишда асосий омил бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Аёл ва жамият

ФАОЛИЯТДА ШИЖОАТ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ЗАРУР

Ҳаётда шундай инсонлар борки, ўз касбини севиб, ардоқлаш билан бирга жамоада хушмуомалалиги, талабчанлиги, ташаббускорлиги ҳамда билимдонлиги билан обрў-эътибор қозониб, жамиятда ва оилада ўз ўрнига эга бўлади. Жумладан, тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ана шундай инсонлардан бири тиббиёт фанлари доктори Зулфия Ислombeкова айни пайтда Фаргона вилояти онкология диспансерида бош врач вазифасида ишлаб келмоқда. Унинг ташаббуси билан вилоят онкология диспансери бугунги кунда ўзгача қиёфа кашф этди. Бунда албатта, раҳбарнинг фидойилиги, куюнчаклиги, қолаверса ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур диспансер фаолияти билан танишар эканмиз, Инвестиция дастури бўйича янгидан бунёд этилган ва қайта таъмирдан чиқарилган бўлимлардаги иш жараёнларини кузатдик. Диспансерда олиб борилаётган фаолиятлар хусусида тиббиёт фанлари доктори Зулфия Ислombeкова шундай дейди:

– Мустақиллигимиз шарофати билан барча соҳалар каби тиббиёт тизимига ҳам катта эътибор қаратилди. Айниқса, соҳанинг онкология йўналишидаги фаолиятлар бундан мустасно эмас. Бу борада Президентимизнинг инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига оид чиқараётган Қарор ва Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари онкология соҳаси янада равнақ топишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай экан, Республика онкология илмий маркази ва унинг вилоят диспансерларида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг шифо масканимизда ҳам бу борада ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Диспансеримиз 100 ўринга эга бўлиб, химиятерапия, хирургия, торакал, реанимация бўлимлари ва маслаҳат поликлиникаси, биохимия, цитология, гистология лабораториялари мавжуд. Беморлар ҳамда мурожаат этиб келувчилар учун замон талабларига жавоб бера оладиган УТД, ФГДС, маммо-

логияларда касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ҳамда даво муолажаларида қўлланилмоқда. 2012-2013 йиллардаги Инвестиция дастури бўйича янги радиология блоки ва химиятерапия бўлимлари қуриб фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, хирургия бўлими қайта таъмирдан чиқарилди. Маълумки, кейинги йилларда дунё миқёсида кўрак беши саратони ҳамда бачадон бўйни ўсмаси каби касалликлар глобал муаммога айланаётганлиги соҳа мутахассисларини ташвишга солмоқда. Мазкур касалликлар қаторида ошқозон ва қизилўнгач саратони хасталиклари ҳам аҳоли орасида кўпроқ учрамоқда. Онкология касалликлари тўғрисида гап борганда ҳар биримиз тушунликка тушиб қоламиз. Гўёки бу дарднинг давоси йўқдек. Бу

да (бир йилда икки марта) чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб яшаш мақсадга мувофиқдир. Афсуски, кўпчилигимиз ушбу қоидаларга риоя қилмасдан касалликни ўтказиб юборамиз ёки бўлмаса бемор тегишли мутахассисга мурожаат этмасдан, бошқа йўналишдаги тиббиёт ходимларига боради. Оқибатда касаллик ташхиси нотўғри қўйилиши натижасида хасталик ўтказиб юборилади. Бугунги кунда онкологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича янги стандартлар ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳар



кафедраларида ҳам малакаларини бойитмоқдалар. Вилоят, туман ва шаҳар миқёсида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқларда диспансеримизда ташкил этилган бригада таркибидаги маммолог, хирург, гинеколог, УТД, болалар онкологикаси каби мутахассислар фаол иштирок этиб келмоқдалар. Вилоятимиздаги мавжуд қишлоқ врачлик пунктларининг умумий амалиёт шифокорлари диспансеримизда малакали мутахассислар томонидан ўқитилди. Шу ўринда айтиш лозимки, ушбу соҳада фаолият юритишнинг ўзига хос машаққатли ва мураккаб томонлари бор. Бунинг учун биз Республика онкология илмий маркази билан доимий ҳамкорликда иш олиб борамиз. Марказимизда ташкил этилган концарежистр фаолиятимизда янада қўл келмоқда. Диспансеримизда ҳам ушбу жараён тўғри йўлга қўйилган. Ҳар йили республика миқёсида ўтказилаётган халқаро анжуманлар ҳамда хорижий давлатлардаги конгрессларда иштирок этиб, ўз маърузаларимизни тақдим этиб келмоқдамиз.

2014 йилда эса 70 фоизга, бачадон бўйни ўсмаси 2012 йилда 43,4 фоиз яхшиланган бўлса, 2014 йилда эса 71 фоизни ташкил этди.

Диспансер фаолиятига келадиган бўлса, малакали мутахассисларимиз ўз ишларига жиддий ёндошган ҳолда мураккаб операция (кўрак беши, бачадон бўйни, ошқозон, қизилўнгач ва ичак касалликлари) жараёнларини бажармоқдалар. Бундай амалиётларни муваффақиятли амалга оширишда албатта, Республика онкология илмий маркази қошидаги назария ва амалиёт йўналиши бўйича олиб борилаётган ўқув курсларининг хизмати катта бўлмоқда. Бундан ташқари, жамоа ходимлари бир қанча хорижий давлатларнинг тиббиёт муассасаларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб қайтмоқдалар. Шунингдек, кўплаб шифокорларимиз Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, онкологик касалликлар ҳам бедаво эмас. Бунинг учун ҳар бир инсон саратон хасталиги ҳақида чуқур маълумотга эга бўлиши зарур. Юқорида таъкидлаганимдек, йилда икки марта тиббий кўриқдан ўтиб туриш, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Мазмунли суҳбатимиз давомида тажрибали онколог-врач, тиббиёт фанлари доктори Зулфия Ислombeкова ўз касбининг мохир устаси эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Юртимизда жамият равнақи йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ана шундай фидойи аёлларимиз борлигидан фахрланасак арзийди. Аҳоли саломатлиги йўлида ўзларининг машаққатли меҳнатлари билан эл назарига тушаётган жамоа ходимларининг ишларига омадлар тилаб қолдик.

1-, 4-5-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
СУРАТЛАРДА: Фаргона вилояти онкология диспансери фаолиятдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.



рафия, рентген, колпоскоп аппаратлари қаторида реанимация бўлимида ҳам янги техно-

албатта хато фикр. Аввало, касал бўлмай туриб унинг олдини олган афзал деганларидек, вақти-

бир онкология диспансерида барча шароит ва имкониятлар яратилган. Сўнгги йилларда аҳоли орасида кўрак беши саратони ҳамда бачадон бўйни ўсмасининг авж олганлиги ташвишланарли ҳолдир. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлатимиз, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” акцияси ҳамда “Саломатлик ҳафталиклари”нинг мунтазам тарзда давом этаётганлиги мазкур касалликларнинг аста-секинлик билан камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, кўрак беши саратони 2012 йилда 47 фоизга яхшиланган бўлса,

Дил изҳори

Бахтимизга омон бўлинг

Аввало, ногиронларни қўллаб-қувватлаб, улар учун зарурий шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимизга ўз миннатдорлигимни билдираман. Шу билан бирга, саломатлигимизни муҳофаза қилиш ва тиклашда ўзларининг фидойи меҳнатларини аямаётган

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимовга ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатаётган Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси неврология бўлими бошлиғи А. Собиров ва унинг аҳил жамоасига, шунингдек, Тошкент шаҳар Тез тиббий ёрдам бош шифокори Саидазим

Аъзамхўжаев ва унинг ходимлари ҳамда А. Эргашев номидаги Тошкент шаҳар 4-сонли клиник шифохона мутахассисларига чексиз дил изҳоримни йўлламан. Уларнинг машаққатли аммо шарафли ишларига омадлар тилаб қоламан.

Вазира МУҲАМЕДОВА,
Тошкент шахри.

Обуна — 2015

Ҳурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларининг тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ШАЪНИ БОШ ҚОМУСИМИЗ ҲИМОЯСИДА

Бутун дунёда тан олинган ҳақиқат шундаки, саломатликка тенглашадиган ёки ундан устун турадиган бойликнинг ўзи йўқ. Фараз қилинг: фаровон ва тўқ яшаш учун қошона бўлсаю, хонадон соҳиби ёки соҳибаси, фарзандларидан бирортаси тузалмас дардга чалинган бўлса, ўша уйда хурсандчилик ҳукм сурадимми? Бунинг асло иложи йўқ. Фақат соғлиқ-саломатлик бўлсагина фаровонлик, хурсандчилик ҳар бир инсонга, ҳар бир хонадонга ярашади.

Алломалимиз қолдирган бой илмий-адабий мерос намуналарида соғлиқнинг энг катта бойликка қисланиши ҳам шундан. Киши касал бўлмасдан аввал ўз соғлигининг қадрига етиши керак. Таъбир жоиз бўлса, ривожланган ва ривожланаётган кўп давлатлар сингари Ўзбекистонда инсон саломатлигини асраб-авайлаш, унинг умр кўриш давомийлигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, мураккаб ва мушкул вазиятга тушган кишиларга шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг қонуний, ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган. Бу ёши, жинси, касб-кори, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, яшаш манзилдан қатъи назар, ҳар бир фуқаро фойдаланиши, талаб қилиши мумкин бўлган қонуний талаблардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз: “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”.

Мамлакатимиз Бош Қонуни қабул қилинган сана – 8 декабрь арафасида турли манзилларда истиқомат қилувчи юртдошларимиздан бир неча нафари билан учрашиб, уларнинг тиббий хизматдан қай даражада фойдаланаётгани юзасидан суҳбатлашдик.

**Хадича АВЕЗОВА,
Хонқа тумани ахборот-ресурс
маркази раҳбари:**

– Ўзбекистоннинг шимолий қисмида жойлашган Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон Республикасида Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммолар юзга келгани барчага маълум. Бу эса аҳолининг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмасдан иложи йўқ. Аммо ўз саломатлиги ҳақида ўйлаган ва қайғурган киши борки, бунга имконият ахтарари. Туман марказидаги ахборот-ресурс марказида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келиш жараёнида баъзан шифокорлар кўмагига эҳтиёж сезаман. Жорий йилнинг ёз ойларида Урганч шаҳридаги вилоят шошилиш тез тиббий ёрдам шифохонасининг кардиология бўлимида ётиб даволанишимга тўғри келди. Ўнг қўлимда оғриқ бўлиб, юрак уришим сустлашгандек эди. Ўн икки бармоқ ичагимда яра борлигини билман, қон босимим ошиб кетган. Шифокорлар Давронбек Жуманиёзов, Сафарбой Омонов менга тезликда ташхис қўйишиб, зарурий муолажани тайинлашди. Бир-биридан қаққон, меҳрибон ҳамширалар Умида Собирова, Ёқутжон Бекчонов ва ўз вақтида дори-дармон беришиб, соғлигимни тиклашга кўмаклашдилар. Айти пайтда ўз меҳнат фаолиятимни давом эттирмакдан. Ўзимни соғлом ҳис қиляпман, меҳри дарё ва олижаноб шифокорларнинг борлигига шукр.

**Саидахон МИРЗАЕВА,
Уйчи туманидаги
1-умумтаълим мактаби
бошланғич таълим
ўқитувчиси:**

– Таълим-тарбия соҳаси билан шуғулланадиган касб эгалари – ўқитувчилар кўпинча турли асаб касалликлари билан оғришади. Бунга унинг ҳар бир бола тақдирини учун қайғуриши, руҳан ва жисмонан толиқиши сабаб бўлиши мумкин. Эрталаб мактабга шошилиш, у ерда ўқувчиларнинг шовқин-сурони, ҳар бир боланинг ўқув предметини ўзлаштириши бўйича белгиланган давлат таълим стандартларини эгаллаши учун олиб-югуриш барча ҳамкасбларим қатори менинг ҳам ҳаёт тарзимга айланган. Табиийки, бу жараёнда толиқаман, чарчайман. “Дарднинг келиши осон, кетиши қийин” деганларидек, 1996 йилдан бери бел оғригига дучор бўлиб қолдим. Оғриқ қаттиқ безовта қилса, зудлик билан Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси невропатологлари

қабулига шошиламан. Чунки умуртқа поғонаси диск чуррасида оғриқ пайдо бўлиши асаб издан чиқиши, ҳаддан ташқари толиқиб ишлаш билан боғлиқ экан. Яқинда Уйчи туман тиббиёт бирлашмасига бориб, бел оғриги қаттиқ безовта қилаётганини айтдим. Улар мени магнитли резонанс томографиясига йўллашди. Ташхис аниқ бўлди: умуртқа поғонаси диск чуррасининг функцияси бузилган экан. Шифокорлар тавсияси билан ка-



саба уюшмаси аъзолигидан фойдаланиб, Ўзбекистон курортология бошқармаси тасарруфидаги “Чортоқ” санаторийсида соғлигимни тикладим. Ушбу дам олиш масканида беморларни комплекс даволаш учун физиотерапиянинг турли замонавий усуллари, даволаш хусусиятига эга бўлган жисмоний тарбия, сув муолажасининг бир неча хили, парафин-озокерит, шифобахш дамламалар ҳамда перхез таомлар буюрилган экан. Бемор яшаб турган шароитда қабул қилган дори-дармонлар, тиббий муолажалар кўнгилдагидек фойда бермаслиги мумкин, чунки касалликни келтириб чиқараётган салбий омиллар ўз таъсирини давом эттираётган бўлади. Бундай ҳолатда ягона чора беморни ўз яшаб турган муҳитидан ажратиш, иш фаолиятини тўхтатиш, миясидан чиқётган салбий фикрдан қалғитиш, ижобий фикрлар уйғотиш, соғайишига ишонч билдириш ва маълум бир даврни ўз саломатлигини яхшилашга ундашдан иборат бўлиши керак. Бу ҳолатда беморга санаторий даволаш муолажаси тавсия қилинади. Курортга келган киши ўз уй ва иш шароитидан ажралиб, бутунлай бошқа муҳитга мослашади. Мен худди шундай ҳолатни бошда кечирдим. “Чортоқ” санаторийсида 14 кун мобайнида шифокор маслаҳати ва йўл-йўриги билан зарурий муолажаларни қабул қилиб, оила аъзоларим бағрига қайтдим. Айти пайтда ўз жамоатда меҳнат фаолиятимни давом эттирмакдан. Саломатлигимни тиклаш учун имтиёз ва шарт-шароит яратиб берган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда курортология бошқармасига ўз миннатдорлигимни билдираман. Зеро, ҳар бир касб эгаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини амалда намоеън этиши мумкин: “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир”.

**Намоз ХОЛТЎРАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Дехқонобод калийли ўғитлар заводи ҳисобчиси:**

– Қашқадарё республикаимизнинг худудий жиҳатдан сўда катта қисмини

эгаллаган вилоят ҳисобланади. Воҳамизда жуда кўп ишлаб чиқариш корхоналари бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган кишиларнинг барчаси Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга ўзларининг камтарин улушларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, мен меҳнат қилаётган Дехқонобод калийли ўғитлар заводида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўлланиладиган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Завод цехларида ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришлари учун амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига кўра зарурий шарт-шароит яратилган бўлса-да, баъзан шифокор ёрдами ва маслаҳатига эҳтиёж сезамиз. Завод қошида тиббий хизмат пункти ташкил

нинг давлат ва жамият олдидagi ижтимоий-сиёсий бурчлари белгилаб берилган Асосий Қонун инсонни эъзозлайди, уни азиз ва муқаррам қилиш учун имконият яратади. Бош Қонунимизнинг 40-моддаси қисқа ва лўнда бўлишига қарамасдан юртдошларимизнинг турли даволаш муассасалари – клиник шифохона, оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пункти ва турли ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларда ташкил қилинаётган тиббий хизматдан манфаатдор бўлиш, фойдаланишдек ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлайди. Оддий фуқаро сифатида мен ҳам қонунда белгиланган ана шу имкониятлардан фойдаланиб келяпман. Яқинда, аниқроғи, октябрь ойида тобим қочиб қолди, ҳароратим баланд. Оила аъзоларим Когон шаҳридаги шошилиш тез тиббий ёрдам шифохонаси маъмуриятига қўнғироқ қилдилар. Уйимизга “Тез ёрдам” машинасида етиб келган шифокорлар юрак уришимни текшириб қўриб, стационар шароитда даволанишим кераклигини айтдилар. Мен ётиб даволанишга қарор қилдим. Терапия бўлими кардиологи Одил Зарипов юрагимни электрокардиограммадан ўтказиб, унинг бир дақиқадаги пульс теълиги меъёрида эмаслигини аниқлади ва зарурий дори-дармонлар билан муолажа қила бошлади. Ушбу даволаш муассасасида ўзининг ҳушмуомалалиги ва меҳрибонлиги билан беморлар дардига малҳам бўлаётган кичик тиббиёт ходимларини кўрдим. Наргиза Эргашева, Дилбар Асадова оқ халати нафақат жисмига, балки руҳиятига ҳам ярашиб турган тиббиёт ҳамширалари эканлигига амин бўлдим. Қисқа кунлар ичида даволаниб, уйимга қайтдим. Ҳозир соғлигимда муаммо йўқ. Аввало, касал бўлмаслик чорасини кўришимиз керак, мабодо дардга чалиниб қолсак, худди осойишталик посбонлари тинчлигимизни ҳимоя қилиб турганидек тиббиёт ходимларининг бемор тақдирини учун қайғуриши, қўлидан келган ёрдамни дариф тутмай хизматга тайёр туриши кимни мамнун этмайди, дейсиз?

**Фахриддин ХЎЖАМОВ,
Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани, Улус қишлоқ
фуқаролар йиғини ҳарбий ҳисоб
бўлими бошлиғи:**

– Маҳалла фуқаролар йиғини ўзига хос тузилма бўлиб, мустақиллик йилларида унинг нуфузи ва мавқеи янада ошди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фаолият кўрсатаётган маҳалла тузилмаси аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ тадбирларда ташкилотчилик қиладди. Айти пайтда тузилманинг қайсидир йўналишида фаолият юритаётган ходимлар ҳам соғлиқларида муаммо туғилса, қонунда белгилаб қўйилган ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишлари мумкин. Мен чакқириққа қадар ёшларни ҳисобга олиш, уларнинг рўйхатини шакллантириб, туман мудоффа бўлимига топшириш вазифаси билан шуғулланаман. Иш жараёнида асаб бузилишига олиб келадиган ҳолатларга дуч келиб, артериал қон босимим ошадиган бўлиб қолди. Шунинг учун зарурат туғилиши билан туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари қабулида бўлиб турарман. Шу йилнинг март ойларида бўлса керак, бирлашманинг терапия бўлимида даволанишимга тўғри келди. Менга кардиолог Мамат Норқулов бир китилди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас, ўзимда ижобий ўзгариш сездим. Қон босимим нормаллашди, иштаҳам яхшиланди, руҳан тетикман, қийин вазиятда мушкулимни осон қилган шифокорга қўлим кўксимда, “раҳмат” дедим.

Киши қайси касбда ва қаерда ишлаши, яшайдан қатъи назар, ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етиши, талаб қилиши, қонуний манфаатларидан баҳраманд бўлиши унинг меҳнат фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Ўз саломатлигини асраб-авайлаш учун мамлакатимиздаги турли даволаш муассасаларида йўлга қўйилган тиббий хизматдан фойдаланиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашган юқоридаги юртдошларимиз Бош Қонунимизда илгари сурилган барча гоъларни қўллаб-қувватлайдилар. Зеро, ўз қараш ва манфаатларини давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан боғлаб оладиган жисмонан соғлом, маънавий дунёси бой кишилар жамиятнинг улкан бойлигидир.

**Хулкар КУЗМЕТОВА
ёзиб олди.**

Этика и деонтология

КЛИНИЧЕСКИЙ ЭТИКЕТ В
РЕАНИМАТОЛОГИИ И АНЕСТЕЗИОЛОГИИ

Решение важнейших задач – повышение качества и культуры медицинской помощи населению, развитие ее специализированных видов во многом определяется соблюдением принципов медицинской деонтологии значении, которой постоянно возрастает и приводит к своему развитию как науки.

Врачи, оказывающие анестезиологическую и реаниматологическую помощь, работают в условиях высокой моральной и юридической ответственности за жизнь пациента, относятся к группе самого высокого медико-юридического риска. Необходимость знаний врачами-анестезиологами и реаниматологами этических норм и законодательства, относящихся к медицине, критических состояний, обуславливает специфику их деятельности: экстремальность ситуации и необходимость быстрого принятия решения и его реализации; сокращение или отсутствие психологического контакта врача и медсестры с больным; широкое использование медицинской техники (высокотехнологичная медицинская аппаратура) и инвазивность методов диагностики и лечения; наличие у многих больных полиорганной недостаточности; необходимость сотрудничества с врачами других специальностей; ятрогения; недостаточное кадровое, материально-техническое и медикаментозное обеспечение; психозомоциональные стрессы у врачей и среднего медперсонала.

Особенности деятельности врачей-анестезиологов и реаниматологов обуславливают вероятности возникновения различных этических и юридических конфликтов. Предупредить их и избежать, в том числе с больными и их родственниками, позволяет знание специфики этических и юридических норм в медицине критических состояний.

Этические нормы, которые должны быть присущи врачам анестезиологам-реаниматологам и медсестрам, регламентированы «Этическим кодексом врача Республики Узбекистан» и «Законом Республики Узбекистан №265-1 от 29 августа 1996 года «Об охране здоровья граждан» (Присяга врача Республики Узбекистан), «Международным кодексом медицинской этики» (1983), «Этическим кодексом медицинской сестры Республики Узбекистан», «Кодексом профессиональной этики медсестер Международного совета медсестер» (1973).

При нахождении больного в бессознательном состоянии нельзя проводить разбор состояния у его постели и нужно помнить об имплицитной памяти: неприятный разговор может запечатлеться в имплицитной памяти и проявиться затем в самый неожиданный момент. Заторможенность, спутанное сознание, отсутствие сознания и тем более психические нарушения, также исключают возможность обсуждения состояния больного у его постели.

В «Каноне врачебной науки»,

принесшем великому целителю Абу Али Хусайн Ибн Сине мировую славу, значительное место отведено психическому и эмоциональному состоянию больного. Авиценна считал, что под влиянием переживаний, большого горя, гнева, огорчения развивается ряд заболеваний. Он писал, что надо щадить больного, ограждать его от неприятных эмоций. Нужно оберегать от всего, что волнует, даже от громких звуков и тому подобного, больного следует держать в покое, веселить и радовать. Иначе говоря, он придавал большое значение в лечении больного деонтологическом и психотерапевтическим аспектам.

В отношениях с тяжелыми больными, в обращении с ними врач анестезиолог-реаниматолог должен проявлять мягкость, чуткость, участие, отзывчивость, спокойствие и доброжелательность.

«Есть немного специальностей в медицине, требующих столько чуткости, деликатности и ответственности, как анестезиология» писал Сирил Кейт.

Анестезиология и реаниматология сегодня – это специфическое направление современной медицины, где в связи со специфичностью работы врача анестезиолога-реаниматолога и анестезиолога-реанимационных отделений, сложностью, напряженностью, особенностью контингента больных, вопросы медицинской этики и деонтологии являются особо актуальными.

Уровень профессиональной подготовки врача анестезиолога-реаниматолога должен быть максимально высоким. Доверяя, современным высокотехнологичным медицинским аппаратам (ЭВМ), врач анестезиолог-реаниматолог не должен отдаляться от больного и «не забывать заглянуть в лицо больного» – утверждает заведующая анестезиолого-реанимационного отделения Городской детской клинической больницы (ГДКБ) №1, врач анестезиолог-реаниматолог высшей квалификационной категории, отличник здравоохранения Республики Узбекистан, кандидат медицинских наук Саида Анваровна Юлдашева. При применении современной медицинской техники для непрерывного мониторинга-компьютерного наблюдения возникает необходимость обеспечения безопасности больного в случаях применения инвазивных методов регистрации некоторых физиологических показателей.

Клинический этикет врачей анестезиологов – реаниматологов и среднего медицинского персонала (соблюдение традиционных внешних правил поведения медицинского персонала в медицине критических состояний) повышает эффективность анестезиологической и реаниматологической помощи. Даже внешний вид анестезиолога-реаниматолога и медицинской сестры, стиль их речи при об-

ращении к больному, влияют на установление психологического контакта и доверительных отношений между врачом (медицинской сестрой) и пациентом.

Сестринское дело – это наука, искусство общения, процесс, который помогает гармонизировать жизнь пациента.

Медицинская сестра отделения реанимации и анестезиологии должна обладать необходимым уровнем теоретических знаний, иметь навыки профессионального общения и обращения с пациентом, выполнять соответствующие манипуляции, используя современные технологии.

Ф. Найтингейл в 1859 году писала: «Сестринское дело – это действия по использованию окружающей пациента среды в целях содействия его выздоровлению, а цель сестринского дела – это создание наилучших условий для активации его собственных сил».

В 1961 году на Международном совете медсестер была выдвинута основная функция медсестры – «оказание помощи индивидууму, больному или здоровому, в выполнении всех видов деятельности, связанных с укреплением здоровья или его восстановлением, какие он принял бы сам, если бы имел необходимую силу, знания и волю. И делается это так, чтобы помочь ему стать самостоятельным как можно скорее».

Средние медицинские работники – это огромная общественная сила, и сегодня в динамичном мире, в век высоких медицинских технологий, больным как никогда необходимы добрые и умелые руки, улыбка и сострадание, тепло и сочувствие. Именно медицинские сестры, являясь самой многочисленной группой работников здравоохранения, могут реально оказать влияние на его развитие и внести достойный вклад в совершенствование оказания медицинской помощи населению нашей страны. Для медицинской сестры главным условием достижения общей цели в сложной, многопрофильной медицинской деятельности является необходимая профессиональная подготовка, соответствующая профессиональная компетентность. В частности, в исследовании П. Беннер описано семь областей компетенции медицинской сестры: оказание помощи; просвещение и обучение; диагностика и наблюдение; эффективная работа в стремительно меняющейся обстановке; терапевтические процедуры и режим; соблюдение и обеспечение безопасности лечебного процесса; организационные вопросы.

Медицинская сестра должна с уважением относиться к праву умирающего на гуманное отношение и достойную смерть. Медицинская сестра обязана владеть необходимыми знаниями и умениями в области паллиативной медицинской помощи, дающей умирающему возможность окончить жизнь с максимально достижимым физическим, эмоциональным и духовным комфортом.

Первейшими моральными и



профессиональными обязанностями медицинской сестры являются: предотвращение и облегчение страданий, как правило, связанных с процессом умирания; оказание умирающему и его семье психологической поддержки.

Но все равно, наиболее главной проблемой в деонтологии является реаниматология – возвращение человеку жизни после его клинической смерти. Успехи научно-технического прогресса и практической медицины, расширив область критических состояний человеческого организма, позволили вторгаться в процесс умирания и даже до определенной степени управлять им. Смерть предстала не как цельное явление, одновременно поражающее все жизненные функции организма, а как процесс, растянутый во времени и более или менее изолированно поражающий отдельные комплексы систем жизнеобеспечения. Образно говоря, появилась возможность повернуть ладью Харона вспять и переплыть Стикс в обратном направлении.

Барьер, за пределами которого человеческая душа не может более вернуться в круг живых, раздвинулся, отделив жизнь от смерти пограничной полосой протяженностью в 4-6 минут.

Медицинская сестра должна относиться уважительно к умершему пациенту. При обработке тела следует учитывать религиозные и культурные традиции. Медицинская сестра обязана уважать закрепленные в законодательстве Республики Узбекистан права граждан относительно патологоанатомических вскрытий.

Исключительно велико значение коллективного начала в современной хирургии. Ни хирург, ни акушер-гинеколог, ни анестезиолог – реаниматолог ни на каком этапе не должны устраняться, от активного участия в лечении больного. Каждый из участвующих в операции и лечении должен проявлять максимум человеческих качеств, способностей и профессионального мастерства.

Анестезиолог должен быть компетентным, энергичным, че-

ловечным, уверенным в себе врачом, способным успокоить больного, внушить доверие. Высокие профессиональные навыки, опыт, умение ориентироваться в любой сложной ситуации, быстрота реакции, эмоциональная сдержанность должны стать неотъемлемыми качествами современного анестезиолога.

Анестезиолог постоянно должен контролировать свое поведение, властвовать над темпераментом, не терять самообладание и владеть всем деонтологическим наличием средств общения с больными и их родственниками, а также с коллегами.

Анестезиолог – не помощник врача хирурга, не «техник» с набором трубок во время операции, устраняющий боль введением лекарства по команде хирурга, обеспечивающий сон и пробуждение. Он врач – анестезиолог, работающий совместно с хирургом. Его работа, как и работа хирурга, очень ответственна, так как от них зависит жизнь больного. Отсюда и высокие требования, предъявляемые к работе и уровню подготовки анестезиолога.

Реаниматология – наука, изучающая закономерности умирания и оживления организма с целью восстановления угасающих или только что угасших жизненных функций организма.

Основа деонтологии в реаниматологии – постоянная готовность всего персонала реанимационных отделений к проведению неотложных мероприятий при острых нарушениях жизненно-важных органов и систем, к проведению сердечно-легочной реанимации в случаях клинической смерти.

Клиническая реаниматология – особая медицинская дисциплина. Это прежде всего обусловлено тем, что врач лечит больного, находящегося в тяжелом состоянии, относительно короткое время – часы, дни, т. е. в период, когда у него имеются нарушения жизненно-важных функций организма.

Деонтология подразумевает высокий уровень профессиональной подготовки для врачей любых специальностей. Для реаниматолога, анестезиолога, как и для хирурга, требования к профессиональной подготовке должны быть максимально высокими.

Исраил ИСМОИЛОВ,
врач Городской детской
клинической больницы №1.

Дил изҳори

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА

Бир неча йиллардан буён саломатлигимни доимий тиклаш мақсадида Тошкент шаҳар 5-сон клиник шифохонаси ходимларига мурожаат қилиб келаман. Улар саломатлигимни назорат қилишгач, анча вақт давомида клиник шифохонада ётиб даволанишимни тавсия этишди. Бир неча бор ушбу шифо масканида даволаниб, саломатлигимни тиклаб қайтдим. Тезда соғайиб кетишимда ўзларининг самимий муносабатлари ҳамда билим ва тажрибаларини аямаган ушбу клиник шифохонанинг фидойи тиббиёт ходимларига чексиз миннатдорлигимни билдираман. Айниқса, клиник шифохона бош шифокори Гулнора Кенжаеванинг ташаббуси билан барча бўлимлар қайта таъмирдан чиқарилиб, беморлар учун етарли шароит ва имкониятлар яратилган. Шу ўринда айтмоқчиманки, тиббий маскан шаҳарнинг экологик жиҳатдан энг яхши қисмида жойлашган бўлиб, 12 гектар майдонни ташкил этади. Шифохона ҳудуди замонавий ободонлаштирилган бўлиб, инсон бахридилини очади. Ўз касбининг моҳир усталари бўлган бош врач ўринбосари Ф. Қаюмова, врач А. Маликов, неврология бўлими бошлиғи Л. Фатхуллова, терапия бўлими мудир А. Миссирова, врачлар Т. Очилова, И. Федулова, парҳез ҳамшираси С. Хушвақтова, катта ҳамшира Ф. Бойматова, бири-биридан қаққон, хушмуомала ҳамширалар М. Қобулова, И. Ковалева, Е. Шукова, Л. Акромхўжаева, Г. Абдужабборовна, кичик тиббиёт ходимлари М. Қосимова, Д. Олимова, М. Зияева, О. Султонова, физиотерапия бўлими мудир Д. Раҳимова, ҳамшира М. Эргашева, уқаловчи М. Кузина, жисмоний тарбия инструктори Е. Суқори ва бош ошпаз А. Холдорларга ўз ташаккуримни изҳор этиб, Бош қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 22 йиллиги билан чин дилдан кутлаб қоламан.



И. ПЯГАЙ,
Тошкент шаҳри.



Тадбир

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ



Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Темурийлар тарихи Давлат музейида Конституция қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан "Конституция – бахтимиз қомуси" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Б. Дадабоев, сиёсий шарҳловчи Қ. Каримбеков, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Х. Файзиев ва бошқалар Конституцияда инсонни улуғлаш, унинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, эмин-эркин, тинч-тотув ҳаёти, фаровон турмуш тарзи учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш каби вазифалар ўз аксини тоғгани, айниқса, бу муҳим ҳужжат янгидан бунёд этилаётган

эркин, очиқ жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигида улуғланишини кўрсатиб берганлигини таъкидладилар.

– Миллий аъёнларимиз, қадриятларимиз, оила, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар Конституциянинг «Оила»га бағишланган бобидаги қатор моддаларда ўз ифодасини тоғган бўлиб, унда «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дейилган. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади», «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради», «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар» каби нормалар миллиятимизга хос бўлган, асрлар оша ажодлардан авлодларга буюк мерос бўлиб келаётган қадриятларимизга асосланган ҳолда муҳрлаб кўйилган, – дейди Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Х. Файзиев.

Иштирокчилар Бош Қомусимизнинг айрим моддаларига шарҳ бериб, ўз қарашлари ва муносабатлари билан ўртоқладилар.

Шаҳзода ҲАКИМОВА.
Саҳифадаги суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

БЕТАЛАФӨТ ЎТКАЗАЙЛИК

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча шаҳар, туман ва қишлоқларда 2014 йилнинг қишки мавсумида 20 ноябрдан 20 декабрга қадар ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Шу боис, Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳам жойларда бўлиб, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бормоқдалар.

Туман ҳудудида 27 та мактабгача тарбия муассасаси, 17 та мактаб ҳамда академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, даволаш муассасалари мавжуд бўлиб, мазкур жамоат ташкилотлардаги раҳбар ходимлар ҳамда ўқувчи талабалар билан ёнғин хавфсизлиги ва унинг олдини олиш бўйича учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз. Жумладан, мактаб ўқувчилари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш мавзусида турли викториналар уюштирилди. Бошланғич синф ўқувчилари томонидан «Гургурт – ўйинчоқ эмас», «Газ ва электр мосламаларидан фойдаланманг», «Оловдан эҳтиёт бўлинг» каби мавзуларда иншо ва диктантлар танлови ташкил этилди. Ушбу ишлардан кўзланган асосий мақсад, келажагимиз бўлган ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёнғин келиб чиқиш ҳолатларини бар-тараф этишдир.

Хусан СОБИРОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ
инспектори, кичик сержант.

«Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси тахририят ходими Хулкар Кузметовага падари бузруквори ЁРБЕК отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5409 нусха.
Буюртма Г-1258.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

